

# НУҚУҚ

# 07

(426)

YURIDIK GAZETA

Феврал

D.	6	13	20	27
S.	7	14	21	28
Ch.	1	8	15	22
P.	2	9	16	23
J.	3	10	17	24
Sh.	4	11	18	25
Y.	5	12	19	26

2006

WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: Info@huquq.uz

## Эришилган ютуқларни мустақкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим

10 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов маъруза қилди.

— 2005 йил якунлари ҳақида гапирар эканмиз, — деди Президентимиз, — шуни мамнуният билан қайд этмокчиманки, ўтган йилда деярли барча макроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича прогноз ҳажми ва кўрсаткичларига эришилди, аксарият кўрсаткичларнинг эса сезиларли даражада ошириб бажарилиши таъминланди.

Ўтган йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 7 фоизни, инфляция даражаси эса 7,8 фоизни ташкил этди. Саноат ишлаб чиқариши 7,3 фоизга, жумладан, истеъмол товарлари ишлаб чиқариши 17,7 фоиз, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариши эса 6,2 фоизга ўсгани қувончли ҳол, албатта.

2005 йил давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан кутилган 1 фоиз тақчиллик ўрнига 0,1 фоиз профицит билан бажарилди, ўнинг даромад қисми эса прогноз кўрсаткичларидан 39 фоиз зиёд бўлди.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2005 йилда тадбиркорлик учун қўлай муҳитни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар



### Вазирлар Маҳкамаси мажлиси

амалга оширилди. Ягона солиқ тўлови жорий этилиши туфайли солиқ идораларига тақдим этилиши зарур бўлган ҳисоботлар сони 10 марта қисқарди. Натижада рўйхатга олинган кичик бизнес корхоналари сони 31,5 мингга кўпайди.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, ҳисобот даврида иқтисодиётини тизимли ва таркибий жиҳатдан изчил янгилаш борасида қўрилган қатъий тадбир ва чоралар мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотнинг таркибига ижобий таъсир кўрсатди. Хизмат кўрсатиш соҳаси ҳам жадал ривожланди. Иқтисодиётни либераллаштириш жараёнларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш бўйича муҳим ишлар амалга оширилди. Моддий ресурслар ва тайёр маҳсулотларни реализация

қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини либераллаштириш йўлида ҳал қилувчи қадам қўйилди.

Хусусий секторни кенгайтириш, кичик бизнес, фермер ҳўжаликлари ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш борасида туб бурилишга эришилди. Мамлакатимиз раҳбари қайд этганидек, 2005 йил кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишида туб бурилиш йили бўлди.

Яна бир муҳим йўналиш — давлат ва назорат тузилмаларининг корхоналар молия-ҳўжалик фаолиятига аралашувини кескин қисқартириш, ҳўжалик субъектлари ҳамда тадбиркорликнинг иқтисодий эркинлиги ва ҳуқуқларини сезиларли даражада кенгайтириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

— Ўтган йилда демократик янгилаш ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш йўлида улкан қадамлар қўйилди. Шунинг эвазига мамлакат иқтисодий тараққиётининг барқарор суръатлар билан юксалиши, аввало, ялпи ички маҳсулот ва инвестицияларнинг ўсишида, ташқи савдо соҳасида катта ҳажмда ижобий сальдога эришишда, давлат бюджетини профицит билан бажаришда, кўпгина социал муаммоларни ечишда сезиларли натижалар кўлга киритилди.

— Ўтган йил якунлари бизга мамнуният, гурур ва ифтихор бағишлайди, — деди давлатимиз раҳбари. — Ватанимиз учун мураккаб келган йилда шундай салмоқли натижаларга эришган халқни энгиб бўлмайди. Юртимизда жорий йилда ҳам ана шу тараққиёт суръатлари барқарорлик касб этиши шубҳасиз.

Президентимиз 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим устувор йўналишлари хусусида атрофлича тўхталди.

Мажлисида Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси Г.Саидова, молия вазири Р.Азимов, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазат қилиш вазири О.Обидов, адлия вазири Б.Мустафойев, Олий ҳўжалик суди раиси А.Ишметов, Бухоро вилояти ҳокими С.Хусеновнинг ахбороти тингланди.

Мажлисида муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎЗА)

### Чоршанбадан Чоршанбагача

8 феврал

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Финляндия Республикаси Парламентининг хорижий ишлар қўмитаси раиси Лийса Яконсаари хоним раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова билан учрашди.

Тошкентда «Наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларни ноқонуний ишлаб чиқариш, айлантириш, истеъмол қилишни назорат этиш соҳасида ўзаро англашув ва ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумга қўшилган давлатларнинг Эттичи учрашуви бўлиб ўтди.

9 феврал

Мамлакатимизда буюк мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 565 йиллиги кенг нишонланди. Пойтахтимиздаги Ўзбекистон миллий бонди бўлиб ўтган тадбирда жамоатчилик вакиллари, зиёлилар, талабалар, юртимиздаги дипломатик корпоратив вакиллари иштирок этди.

10 феврал

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳоли ва ҳудудларни сел-тошқин ва кўчки ходисалари билан боғлиқ фаулофада вазиятлардан муҳофазат қилиш ҳамда уларнинг оқибатларини бартароф этиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори матбуотда эълон қилинди.

Вазирлар Маҳкамасининг «2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган йиллиги бўлиб ўтди.

13 феврал

Президент Ислон Каримов Оқсаройда Россия Федерацияси Федерал мажлисининг Давлат думаси раиси Борис Грызловни қабул қилди.

### Munosabat

## Ислохотлар истиқболи

Утган ҳафта Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим устувор йўналишларига бағишланган йиллиги бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз раҳбари ўтган йил якунлари ва жорий йилдаги устувор йўналишлар ҳақида маъруза қилди. Йилги иқтисодий ислохотларнинг сифат жиҳатидан юксалиши кўп томондан инвестиция ҳажмидаги таркибий ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиб, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 20 фоиздан ошганлиги таъкидланди. Иқтисодиётнинг ўсиш кўрсаткичлари 2000 йилга нисбатан 30,1 фоизни, 1991 йилга таққослаганда эса 28,2 фоизни ташкил қилган. Албатта, бунга ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Ютуқлар замирида аввало бозор ислохотлари ва мамлакатни модернизациялашнинг пухта ўйланган ме-

дали, узоқ муддатга мўлжалланган дастурни босқичма-босқич амалга ошириш бўйича олиб борилган тизимли, изчил ва қатъий ҳаракатлар турганини кузатиш қийин эмас. Бу борада асосий эътибор солиқ юкни камайтириш, солиқ-бюджет сибсатини либераллаштириш ва унификация қилиш, солиққа тортиш тартибини соддалаштириш, солиқ ва молия органлари масъулиятини кучайтиришга қаратилганини таъкидлаш ўринли бўларди. 2005 йилда юридик шахсларнинг даромадларидан олиннадиган солиқ ставкаси 18 фоиздан 15 фоизга туширилди, бу эса қарийб 40 миллиард сўмлик маблағни корхоналар ихтиёрида қолдириш имконини берди.

Утган йилларда хусусий секторни кенгайтириш, кичик бизнес, фермер ҳўжаликлари ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш борасида туб бурилишга эришилди. 2005 йилда давлат корхоналарини бутулай, шунингдек давлат акция пакетларини асосан хусусий мулкдорларга сотиш масаласига жиддий эътибор қаратилди. Натижада 980 та объектдан 902 таси хусусий мулкка айлан-тирилди. 2000 — 2005-йиллар давомида жами 4660 та корхона ва объект хусусий мулкдорларга сотилди. Кенг қўламли бу тадбирлар мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотда нодавлат секторнинг улуши ортиб боришига хизмат қилапти. Нодавлат секторда 77 фоиз ёки иқтисодиётда банд бўлган

кишилларнинг тўртдан уч қисми меҳнат қилмоқда.

Йилги ишда мамлакатимиз президенти яна бир муҳим масалага эътибор қаратди. 2005 йилда давлат ва назорат тузилмаларининг корхоналар молия-ҳўжалик фаолиятига аралашуви кескин қисқарди, ҳўжалик субъектлари ҳамда тадбиркорларнинг иқтисодий эркинлиги ва ҳуқуқлари сезиларли даражада кенгайди. Текширувлар сони 2001 йилдагига нисбатан 2,5 баробардан кўпроққа камайди.

Жорий йилда ҳам кичик бизнес, фермер ва деҳқон ҳўжалиklarини ривожлантиришга қаратилган ишлар изчил давом эттирилади. Аиниқса, соҳани моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадига кре-

дит бериш тизимини соддалаштириш назарда тутилган. Ана шу мақсадга хизмат қиладиган «Микро-молиялаш тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш назарда тутилмапти. Президентимиз маъзур вазифани амалга оширишнинг механизми ва воситаси сифатида барча ҳудудларда ўз филиалларига эга бўлган ихтисослашган банк ташкил қилиниши ва у кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига микрокредит, микролизинг бўйича турли хизматлар кўрсатиши кераклигини белгилар берди.

Умуман, Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиллиги жорий йилда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим бўлган йўналишларни аниқлаб олди. Эндиги асосий масала шу юрт тақдирига дахлдор барчанинг пур муст бўлиб унинг ижросини таъминлашга киришишидан иборат.

Тоҳир САИД,  
«Нуқуқ» шарҳловчиси







Шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур  
таваллудига 523 йил тўлди

# Буюк саркарда мероси

Заҳириддин Муҳаммад Бобур XVI аср бошларида Хиндистонда «Буюк бобурийлар салтанати»га асос солган ҳукмдор бўлиши билан бирга, ўзидан бой ҳуқуқий мерос қолдирган фикхшуноҳамдир.

Бобурнинг илмий-маънавий мероси орасида айниқса, унинг қомусий асари «Бобурнома» катта аҳамиятга эга. Унда Бобурнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва жўғрофий қарашлари билан бирга, фармонларида ҳамда амалий фаолиятида ифодаланган ва Шарқнинг бирон-бир ҳукмдорига хос бўлмаган ҳуқуқий қарашлари ҳам ўз ифодасини топган. Бобур бутун умри давомида ўз фаолиятини, давлат бошқарувини шариат қонунларига асосланиб олиб борган. Унинг подшоҳ сифатида чиқарган кўплаб фармонлари шариат меъёрларидан келиб чиқиб қабул қилинган ва уларнинг ҳуқуқий табиати, мазмун-моҳиятида адолатпарварлик, инсонпарварлик ҳамда ватанпарварлик, ҳақ йўлида жаҳолатга қарши курашиш, мақсад сари ғайрат-шижоат билан интилиш каби ғоялар ўз аксини топган.

Бобур шариат меъёрларини одамлар ўртасида адолатли муносабатлар ўрнатилишига муҳим воситаси деб билган. Унинг фикрича, шариат аҳкомлари ҳақиқий инсоний муносабатларни қарор топтириш, жамиятда тартиб ўрнатиш омилдир. Бобур ўз мавқеини суниестемол қилиб, шахсий манфаатлари йўлида адолатсизлик ва ҳақсизлик қилганларни аёвсиз жазолашга чақиради.

Бобурнинг ҳуқуқий қарашларида айниқса, унинг закот, яъни солиқлар ҳақидаги қарашлари алоҳида ўрин тоқтади.

Бобур инсонпарварлик нуқтаи назаридан келиб чиқиб, шариатда макн қилинган, лекин ўш даврада Хиндистонда амалда бўлган тамга солигини бекор қилади:

«...Бу ғалабанинг (Хиндистон устидан қозонилган О.Х.) шукронаси ва бу чин тавбанинг қабул даражасига эришмоғининг садақаси учун, подшоҳликнинг бахшиш дарёси жўш уриб, олам ободонлиги ва кишилик обрўйи бўлган қарам тўлкинларини пайдо қилди: бутун мамлакат бўйлаб, ўтган султонлардан қолиб келган ва даромади ҳаддан ортқ кўп бўлган тамгани, ўзи ҳам шариат қондаларидан ташқари бўлгани учун мусулмонлар устидан олиб ташлаб, аймон содир бўлдики, ҳеч шаҳар, қишлоқ, йўл, кўча, гузар ва бандарларда тамга олмасинлар ва ундирмасинлар, ҳам бу ҳукмнинг қондаларига ўзгартиш киргизмасинлар».

Кимки бун эшитгандан кейин ўзгартирса, гуноҳи ўзгартирувчиларга бўлади». Бобур Хиндистонда яшовчи турли миллат вакилларига бир хил муносабатда бўлиб, уларни умид билан бир салтанат остида бирлашишга, подшоҳнинг амри-иродасига бўйсунушига чақиради:

«Подшоҳнинг меҳрибончилигига сизнинг турк, тожик, араб, аҷам, хинди, форсий фуқаро ва сипоҳ — бутун миллатлар, ҳамма инсон тоифалари бу мангу бахшишга суяниб, умид тутиб, абадийликка бириккан давлатимиз дуосига машғул бўлсинлар ва бу ҳукмлар ижросидан ташқари чиқмасинлар ва бурилмасинлар, фармонга мувофиқ иш олиб босинлар. Бу ҳукм улуг подшоҳ имзоси билан етишса, эътиҳуд қилсинлар».

Бобурнинг ҳуқуқий ва диний қарашлари умрининг сўнгги йилларида, яъни 1521 йилда ўғиллари Хумоюн Мирзо ва Комрон Мирзоларга атаб ёзган «Мубаййин» асарида ҳам ўз ифодасини топган. Бу асар кўпроқ ислом дини асосларини баён қилишга бағишланган бўлиб, асосан мусулмончиликдаги беш фарз, яъни Аллоҳга имон келтириш, намоз, закот, рўза, ҳаж рўжларини ўз ичига олган беш таркибий қисмдан иборат: Эътиқодийа — иймон масалаларига бағишланган, Китобу-с-салот — намоз китоби, Китобу-з-закот — закот китоби, Китобу-с-саъм — рўза китоби, Китобу-л-ҳаж — ҳаж китоблари бўлиб, уларда маснавий жанрида диний масалалар бўйича олимларга хос баён услуби орқали чуқур билимдонлик ва раван тил билан тушунтириб берилади.

Маълумки, ўрта асрларда мамлакат хазинасининг, яъни даромадининг жуда катта қисмини аҳолининг турли ижтимоий табақаларидан олинadиган солиқлар ташкил қиларди. Бу мамлакатнинг ҳаёт-мамонт масаласи эди. Чунки мамлакатнинг иқтисодий ва ҳарбий кудратини таъминлайдиган омил хазинадир. Бунинг учун Бобур ўзининг давлатчилик фаолиятида, давлат сиёсатида шариатга асосланган анча мукамал солиқ тизимини ишлаб чиқди. «Мубаййин» асарининг учинчи қисми гарчи «Китобу-з-закот» («Закоат китоби») деб аталса ҳам, унда асосан давлатнинг солиқ тизими баён қилинади.

Солиқни исломнинг бешта фарзидан бири бўлган закот бобида баён қилиб,

солиқ тизимига шаръий тус беради:

«Бобур учунчи фарз бўлди закот, Анда дер сўзни айтайин санга бот.

Анда-қим ушбу фарз эди мастур, Истиҳобат бўлиб эди мазкур.

Истиҳобат не-дур, эшит мундоқ, Бор-дур ул молик-и нисоб ўлмақ».

Ким-ки ул молик-и нисоб ўлғай, Анга бу фарз-и дин ҳисоб ўлғай.

Ул нима-қим, закот ўлуур андин, Шаръ анча ҳад қилиб-турур таъйин.

Ул нималарини иш қилурда ҳисоб, Ҳаддига етса шаръ деди «нисоб».

Хўш, қандай мулк, даромад ва маблағлардан закот, яъни солиқ олинади? «Мубаййин»да таъкидланишича, Бобур давлатда закот моллари туртга бўлинган:

**нақдина** — пул солиғи;  
**саъвийна** — ҳайвонларга тўланадиган солиқ;

**тижорат** — ер солиғи;  
савдогарликдан тушадиган даромаддан олинадиган солиқ.

Охиргиси, яъни савдогарликдан тушадиган даромаддан олинадиган солиқ икки турга:

а) нақдина — мусулмон савдогарларидан олинадиган пул солиғи;

б) тижорат амволининг баёни — мусулмон бўлмаган савдогарлардан олинадиган пул солиғига бўлинган.

Бобур савдодан олинадиган тамга солигини бекор қилиб, мамлакатда деҳқончилик билан боғлиқ солиқ тизимини қуйидагича ўзгартиради:

мукассама — етиштирган ҳосилдан бир қисми натура шаклида тўланадиган солиқ; муваззаф — кадастрда қайд қилинган ердан олинадиган солиқ.

«Мубаййин»да таъкидланишича, нақд пулдан олинадиган закот миқдори бир мисқол олтиннинг йигирмадан бир қисми, агар бир «динор» вазнига етса қирқдан бири. Қумуш пулдан олинадиган солиқ ҳам шу вазн миқдори билан ўлчанади.

Савдо молларидан олинадиган солиқ миқдори ҳам олтин ё қумуш билан баҳоланиб, олтин ё қумуш ҳисобида ундирилган.

Бобур ҳукмдорлиги даврида хорижий мусулмон савдогарлардан умумий даромаднинг йигирмадан бир қисми миқдоридан солиқ тўлови ундирилган, яъни унинг салтанатида йигирма мисқол олтиндан бир мисқол олтин миқдоридан солиқ ундирилган. Савдогарнинг даромади кўпайиб борган сари, даромаддан давлатга тўланадиган солиқ миқдори камайиб борган.

Бобур давлатида ғайридин давлатига мансуб савдогардан эса, уларнинг мамлакатда мусулмонлардан қанча миқдорда солиқ олинаётган бўлса, шунча миқдорда солиқ ундирилган. Шуниси таҳсинга лойиқки, айрим ғайридин мамлакатларда қандайдир сабаблар билан мусулмон савдогарларнинг моллари тўлиқ тортиб олинган ҳолатлар аниқланганда ҳам, мусулмон мамлакатларида бунга йўл қўйилмаслиги зарурлиги таъкидланган. Бобуршуноҳ олима С.Азимжонованинг ёзишича, «Бобур, табиийки, савдогарлар кўпроқ савдо қилишлари, ўз савдо ишларини кенгайтиришлари учун яхши шароитлар яратиб беришга ҳаракат қилган».

Савдогарларнинг фаолияти ва манфаатлари давлат томонидан қўриқланган ҳамда давлат уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор чораларни ишлаб чиққан».

Бобур салтанатида сотиш учун нарса ва буюмларни сотиб олган савдогарлардан савдо тўлови олинмаган.

Бобурнинг диний-ҳуқуқий қарашлари ифодаланган «Мубаййин» асарининг муҳим томонларидан бири шуки, унда закотдан олинган маблағлар аҳолининг қайси ижтимоий гуруҳига тақсим қилиниши керак, деган масала ўртага ташланади. Бобурнинг кўрсатишича, булар саккизта: 1) фақирлар; 2) касб-корга эга бўлмаган мискинлар; 3) мол-мулкка эга бўлмаганлар; 4) муаллафа-и қулуб (қуйи табақалардан бири-О.Х.); 5) муқотаб, яъни тўсатдан мол-мулкдан айрилиб қолганлар; 6) қардор муқотлар; 7) ғозийлар ва ҳожилар; 8) ғариблар.

Бобур давлати солиқ тизимининг юқорида келтириб ўтилган айрим жиҳатларидан аёнки, давлат бошқарувида, солиқ тизимини шакллантиришда Бобур асосан шариат қонун-қондаларига таъйин иш қўрган ва маҳаллий шарт-шароитларни эътиборга олган ҳолда, Афғонистон ҳамда Шимолий Хиндистонда ўзига хос солиқ ислохотларини ўтказган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳамisha аҳолидан олинадиган солиқлар адолатли бўлиши ва бу солиқлардан йиғиладиган маблағлар салтанатнинг ва салтанат аҳлининг боийши ҳамда равнақи учун хизмат қилиши тарафдори бўлган.

Бобур анча мукамал бўлган солиқ ҳуқуқининг асосларини яратган. Бундан ташқари, у давлатни бошқаришда нафақат ўзидан олдин ўтган ҳукмдорларнинг ҳуқуқий тажрибасидан фойдаланган, балки ўзи ҳам даври учун илғор бўлган муайян ҳуқуқий ғояларни илгари сурган ва улардан давлатчиликда самарали фойдаланган.

Олим ХУСАНБОВ,  
ТДЮИ тадқиқотчиси





**Кейинги пайтларда дунёнинг бир неча давлатларида парранда гриппи тарқалгани ҳақида ОАВда кўплаб ахборотлар тарқатилмоқда. Бирида бу касалликнинг катта талофатлар олиб келгани айтилса, яна бошқасида унинг чегара билмас хавф эканлиги тилга олинади. Парранда гриппининг ўзи нима? Наҳотки унинг олдини олиш имкони бўлмас?**

**Бу каби саволлар билан тахририятимизга ҳам кўплаб мактублар келмоқда. Уларнинг аксариятида мазкур касалликнинг мамлакатимиз ҳудудига кириб келиш хавфи қанчалик даражада эканлиги, умуман республикаимизда ушбу касаллик аниқлангани, унинг четдан кириб келишини олдини олиш борасида қандай ишлар амалга оширилгани сўралган. Тахририят шу каби саволлар билан Соғлиқни сақлаш вазирлигига мурожаат қилган эди. Яқинда Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари, Республика Бош Давлат санитария вазири Бахтиёр НИЯЗМАТОВ имзои билан жавоб хати олдик.**

# Ташвишланманг, бешарво ҳам бўлманг

Соғлиқни сақлаш вазирлиги парранда гриппи касаллигини Ўзбекистон ҳудудига четдан кириб келиши ва тарқалишининг олдини олишга қаратилган тадбирлар ҳақида кўйидагиларни маълум қилади.

ОАВларнинг маълумотларига кўра, жаҳоннинг қатор мамлакатларида парранда гриппи буйича мурракб эпизоотик-эпидемик вазият юзага келган. Касаллик Жанубий-шарқий Осиё давлатларида ва Европанинг айрим мамлакатларида тарқалаётгани кузатиш мумкин. Жумладан, ушбу касаллик Тайланд, Тайван, Лаос, Индонезия, Япония, Хитой, Бангладеш, Корея, Сингапур, Камбоджа, Вьетнам, Покистон, Туркия, Руминия ва Хорватия каби давлатларда қайд этилган. Мавжуд вазият касалликнинг республикамиз ҳудудига четдан кириб келиш хавфини кучайтирмоқда.

Ўтган йили Россиянинг Новосибирск, Омск областларида, Украинанинг Крым вилояти, Қозғистоннинг Павлодар, Шарқий областларида ҳам парранда гриппи буйича эпизоотик вазият мурракблашди. Ушбу ҳудудларда минглаб товуқ, ўрдак ва гозалар парранда гриппидан нобуд бўлди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Жаҳон эпизоотия бюроси ва Жаҳон озиқ-овқат ташкилоти биргаликда парранда гриппини олдини олиш буйича тадбирлар ўтказиш

мажмуини амалга ошириш тўғрисида декларация қабул қилди.

Ўтган даврда дунёда H5N1 вирусини юқтириб олган 120 нафар одамдан 60 нафари нобуд бўлган. Жанубий-шарқий Осиё давлатларида 140 млн. парранда йўқ қилинди.

Сўнгги маълумотларга кўра, Туркиянинг Арманистон ва Эрон билан чегарадош ҳудудларида вазият мурракблашган. Ушбу ҳудудларда декабр ойи якунида 1200 бош парранда нобуд бўлган ва олинган намуналарда парранда гриппи вирусини мавжудлиги тасдиқланган. Туркияда 2005 йилнинг охири ва 2006 йилнинг ўтган даврига қадар парранда гриппи билан 18 нафар касалланган беморлар қайд этилиб, улардан 4 нафари вафот этган. Туркиянинг шарқий ҳудуди — Бурса провинциясида беморлар билан мулкотда бўлган 30 нафар шахс шифохонага ётқизилган. Туркия ҳукумати томонидан шошилинч профилактик чоралар кўрилмоқда. Касалланган қушлар аниқланган ҳудудларда 10 км. радиусда карантин эълон қилинган. 10 мингдан орტიқ парранда йўқ қилинган.

Маълумки, грипп ва ўткир респиратор касалликлар куз ва қиш ойларида авж олади. Табиатда мавжуд бўлган 200 дан орტიқ вируслар одамларда касалланишни юзага келтириб, ўткир респиратор касалликларнинг белгиларини намоён

қилади. Парранда гриппи кўзгатувчиси H5N1 вируси ҳисобланиб, асосан товуқ, ўрдак, гош, канарейка, тўти каби қушларда касалликни юзага келтириб, уларни нобуд бўлишига олиб келади. Қатор ҳолатларда мазкур вирус одамларда учрайдиган вируслар билан чапишиб, одамлар ва паррандалар учун бир пайтнинг ўзида ўта хавфли бўлган касалликни юзага келтириши мумкин.

Касаллик манбаи касалланган парранда ёки бемор одам бўлиши мумкин. Касалликларнинг яширин даври бир неча соатлардан 3-5 кунгача бўлади. Бош ва мушакларда кучли оғриқ пайдо бўлиши, тана ҳароратининг 40-41 даражага кўтариллиши, юз, қовоқ шиши, бурун битиб, ундан суюқлик ажрала бошлаши, қайт қилиш ва баъзан ич кетиш ҳолларининг кузатилиши парранда гриппининг асосий клиник белгиларидир.

Мамлакатимизда парранда гриппининг четдан кириб келишини олдини олиш борасида муайян тадбирлар амалга оширилмоқда. Жум-



ладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 5 августдаги «Ўзбекистон Республикаси боғхона ҳудудидан тирик парранда, парранда гўшти, тухуми ва маҳсулотларини олиб ўтишни вақтинча таъқиқлаш тўғрисида»-ги 188- ва 13 октябрдаги 226-қарорлари чиқарилиб, парранда гриппи қайд этилган ҳудудлардан парранда маҳсулотларини республика ҳудудига олиб кириш вақтинча таъқиқланган.

Бугунги кунда республикада парранда гриппи қайд этилмади. Республиканинг барча ҳудудларида Вазирлар Маҳкамасининг юқорида қайд этилган қарорлари билан таъқиқланган мамлакатлардан бошқа, парранда гриппи касаллиги қайд этилмаган давлатлардан олиб келинган парранда маҳсулотларини савдо-сотиш ва умумий оқватлашни муассасаларида истеъмол қилиниши чекланмаган.

Республика ҳудудига парранда гриппини четдан кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш масаласида ўтган 2005 йилнинг 5 августда Республика ЭҚКФКнинг мажлисида муҳокама қилиниб, тегишли чора-тадбирлар белгиланди. Ўтган йилнинг 12 августда «Парранда гриппининг олдини олишга қаратилган тадбирларни кучайтириш тўғрисида» Республика Бош давлат санитария врачининг қарори қабул қилинди. Ушбу қарорда мазкур масала буйича мутасадди ташкилот ва идоралар олдида аниқ вазифалар кўйилиб, унинг ижроси мунтазам назорат қилиб бориш мумкин.

Боғхона постида Соғлиқни сақлаш, Факултада вазиятлар ва Ички ишлар вазирликлари, Боғхона қўмитаси, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг мутахассислари иштирокида махсус ўқув машқи ўтказилди. Ҳудди шундай машқлар Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардаги чегара постларида ҳам ўтказилди. Аэропортлар, темир йўл ва автомобил транспорт вокзаллари каби, давлат чегараларини кесиб ўтиш жойларидаги мавжуд 96 та санитария-назорат пунктлари фаолиятга кучайтирилди. Алоҳида эътибор Тошкент аэропорти санитария назорати пункти фаолиятга қаратилган бўлиб, ушбу пункт ҳодимла-

ри томонидан касаллик қайд этилган ҳудудлардан келаятган барча ҳаво лайнерларининг салони аэропорт ҳудудига тўлиқ дезинфекция қилиниб, пассажирлар тиббиёт ҳодимлари назоратидан ўтказилгач, республика ҳудудига киритилиши йўлга қўйилган. Касаллик гумон қилинган ҳолларда уларни алоҳида ажратиб учун аэропорт ҳудудига изолятор ташкил қилинган. Ўтган даврда йўловчилар орасида парранда гриппи касаллигига гумон қилинганлар аниқланмади. Ҳудди шундай тадбирлар темир йўл вокзалларининг санитария-назорат пунктлари ҳодимлари томонидан ҳам амалга оширилмоқда. 2005 йилнинг октябр-ноябр ойларида Россия ва республикаимизнинг етакчи олимлари томонидан тиббиёт мутахассислари ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК ҳодимларининг парранда гриппи касаллиги буйича ҳушёрликларини ошириш мақсадида илмий-амалий семинарлар ўтказилди.

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда парранда гриппи касаллиги гумон қилинганда, уларни алоҳида, даволаш учун махсус шифо ўринлари ташкил қилинган бўлиб, барча зарур дори-дармонлар, дезинфекцияловчи воситалар ҳамда шифокорлар учун махсус Ҳимоя қийимлари захираси тайёрлаб қўйилган.

Вирусология ИТИ қошидаги Грипп миллий маркази ва Фанлар Академиясининг Зоология институти билан ҳамкорликда Ўзбекистонда ва қўшни давлатларда парранда гриппи буйича эпидемик вазият ҳамда республика ҳудудига ёввойи қушлар ва уй паррандаларини кўплаб нобуд бўлиши ҳолатини устидан мунтазам мониторинг ташкил этилган. Республика ҳудудининг очиқ сув ҳавзаларидан танлаб олинган ёввойи қушлар вирусология лабораториясида мунтазам текшириш ўтказилапти.

Парранда гриппини одамлар ва паррандаларда ўз вақтида аниқлаш, ташхис қўйиш учун шароит яратилди. Республика санитария-эпидемиология назорат марказининг вирусология лабораторияси ва вирусология илмий текшириш институти парранда гриппининг ПЦР

диагностикуми ҳамда иммунологик анализ учун антиген тестлар билан таъминланган. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан «Гриппининг олдини олиш ва назорат қилиш ҳамда пандемияга тайёргарлик кўриш» буйича Ўзбекистон Республикасининг миллий дастури лойиҳаси тайёрланиб, тегишли вазирликлар ва идоралар муҳокама этилди. Ҳозирги кунда мазкур лойиҳа Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун тақдим этилди.

ССВда грипп ва ўткир респиратор касалликлар буйича эпидемияга қарши штаб ташкил этилди. Штаб тарҳибига Илмий тадқиқот ва Тиббиёт институтлари олимлари, малакали мутахассислар ва тегишли вазирликларнинг мутасадди ҳодимлари жалб қилинган. Штаб томонидан ҳар қуни вилоятлардан кундалик қайд этилаётган ўткир юқумли респиратор касалликлар буйича маълумотлар олиниб, уларнинг олдини олиш буйича ўтказилаётган тадбирлар мувофиқлаштирилиб бориш мумкин. Республикада ҳар йили грипп ва ўткир респиратор касалликлар юқиши юқори бўлган фуқароларни эмлаш ташкил қилинган.

Бюджет ҳисобидан болалар ўйлаб, интернатлар, қариялар уйлари ҳамда тиббиёт ҳодимлари гриппга қарши эмланди. Аҳолининг қолган қисми эса ўзлари ишлайдиган ташкилот ва идоралар, фирмалар ҳисобидан эмланди. Ўтган давр мобайнида гриппга қарши 230 минг аҳоли эмланди.

Барча турдаги дорихоналарда грипп ва ўткир респиратор касалликларга қарши дори-дармонлар захирасини яратиб ҳамда эпидемик вазиятни эътиборга олиб, узлуксиз ишлайдиган дорихоналарнинг сонини кўпайтириш чоралари кўрилмоқда.

Парранда гриппининг республикага четдан кириб келишини ва аҳоли ўртасида бошқа ўткир респиратор касалликларнинг тарқалиб кетишининг олдини олиш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги республикамиз фуқароларини парранда гриппи қайд этилган давлатларга, шу жумладан Туркияга, алоҳида зарурат бўлмаганда бормасликларини тавсия этади.



Тонг оқармай туриб «Кўйлик» улгуржи бозорига отланган Шарофиддин Русланнинг ширин уй-кусини бузди.

— Гагинг гапми, бугун пул бўладими?

Шуни сўраш учунгина уйкудан уйотганидан норози бўлган Руслан зарда қилди:

— Кеча айтдим, эрталаб пулни етказаман деб, тўққизларда телефон қил...

Шарофиддиннинг режаси иш берди: у Руслани тижорат учун пул топишга кўндирди. Бу ёғи энди ўзига боғлиқ.

Бозорда, келишилган жойда Шарофиддинни эски таниши Шухрат кутиб турган экан.

— Иш пишди, Руслан тўққиз юз топибди.

— Ўзидан чиқди-ми шунча пул?

— Қаёқда, бўлажак қайнонасида қарз олармиш. Хуллас нима қилдик, бугеги келишимиздай бўладими? — сизгари тлабига қистириб сўради Шарофиддин.

— Шароитга қараб кўрамиз. — Унда кетдик, Сурхондарёдан келган «КамАЗ»лардан бизгаям қолгани бордир...

Икки оғайни вилеятлардан юк ортиб келган «КамАЗ»лар олдида ҳозир бўлишди.

Пиёз дегани деҳқон учун етти хазинадан бирига айланган. Мехнатиям айтарли оғир эмас, йилнинг қандай келишигаям қараб ўтирмайди. Бир бўлиб берса, деҳқон дегани миллионерга айланиб турибди-да. Қолаверса, пиёзга харидор ҳамма жойда топилади, айниқса катта шаҳарларда.

Шу боис, иложини топган деҳқон борки, ҳосилини йиғиб Тошкентга урди.

Хуллас, икки оғайни омадини пиёз савдосида синашга келишган экан-да, дейишга шошмай туринг.

Шарофиддин ўзи сурхондарёлик эмасми, бир пастда сурхондарёдан келган деҳқонлар билан тил топишиб олди.

— Битта дарёнинг сувини ичган одамлар экан-ми а, а, а, а,

— Нима қилдик, пул қўлимизда, сурдикми? — сўради Шухрат.

— Шошма. Руслан ошман бўлади. Биласан-ку, танти бола. Пулни қарзга олган, яна бўлажак қайнонасида.

— Фикрингдан қайтдингми?

— Гапни эшит, боя 14 тонна пиёзни савдолашганим эсингдан чиқдимми? Шундай иш қиламан, қойил қоласан.

беришга кўндиришди. Шарофиддин пакетдаги пулдан Русланга «йўл учун» деб икки юз минг санаб берди. Сўнг пулларни атайлаб деҳқонларнинг олдига қўйиб қўйди.

Юклар тарозидида тортилиб, бошқа «КамАЗ»га ортилди. Руслан эса 26 тонна юк билан Келесга қараб жўнади.

Шу орада Шухрат пакетдаги пулларни олиб қўйиб бўлди.



## 26 ТОННАЛИК алдов

— Ту-

шунтир унда.

— Ҳозир яна ўн-ўн беш тонна пиёз топиб, Русланга олиб берамиз. Уни «КамАЗ»га ортиб Русланга топширамиз.

Пул бизда қолади, Руслан ҳам зиён кўрмайди.

— Деҳқон акалар девор суяб қолаверди, топдимми? — унинг гапини яқунлади Шухрат.

— Шунда Руслан билан юз кўрмас бўлиб кетмаймиз. У билан кейин ҳам иш қилсак бўлади. — Режангдан унинг хабари борми?

— Йўқ, билса кўнмайди. Шундан сўнг улар пиёз олиб келган сурхондарёлик деҳқоннинг олдига бориб, беш минг «заколат» ташлаб, шу ердаги яна бир «КамАЗ» пиёзга харидор бўлишди. Уларга ҳам беш минг заколат бериб, қолганини тарозидан сўнг

Ҳисоб-китоб дақиқаларини кутаётган деҳқонларнинг кўнлига шубҳа оралаб қолди. «Дилшод»ни, яъни Шарофиддинни сикувга ола бошлашди. Унинг «ҳозир, шеригимни топиб келай» деб қочиб қолишига имкон қолдиришмади. «Биз билан, шу ерда шеригингни кутасан» дейишди улар.

Кўп кутишди. Кун кеч бўлди ҳамки, пулдан ҳам «Дилшод»нинг шеригидан ҳам дарак бўлмади. Деҳқонларнинг сабри туғди.

— Нима қиламиз, мелисага топшираемизми ёки...

Ишинг бунча қапласидан кетишини кутмаган «Дилшод» шошиб қолди:

— Мелиса деганингиз нимаси, шеригим алдаб кетса, менда нима айб? Яхшиси, юринглар, ўша қозоқ боланинг уйига борамиз.

Биргалашиб Русланикига боришди. Унинг уйига кириб чиқиб, «Чатоқ бўпти акалар, йигитнинг отаси ўлиб қопти» деб ёлгон тўқиди. Турган гап, унга ишонилмади.

Сўнг Шарофиддин ўзича кимларгадир телефон қилган бўлди. Лекин жанублик деҳқонларнинг қўлидан қочиб қолишнинг чорасини тополмай боши қотди. Ҳаммага маълум, қишлоқ одамлари соддадил бўлишди, аммо ҳақли чиқса...

Буни яхши тушунган Шарофиддиннинг аҳволини тасаввур қилиш қийин эмас эди. «Қочшим керак!».

Такси ушлаб «бир танишим бор ўшандан пул олиб бераман», деб уларни «Госпиталний» кўчасига бошлади. Кўп қаватли уйлардан бирининг олдида таксидан тушишгач, «кутиб туринглар, ўн минутда чиқаман», деб подвездлардан бирига кириб кетди.

Ўн минутдан ўнтаси ўтди ҳамки ундан дарак бўлмади. Подвезд эшиги олдида «барибир шу эшикдан чиқди» деб ўтирган деҳқонларнинг йўлакнинг икки тарафлама эканлиги хаёлига ҳам келмаган эди...

Орқа томондаги эшикдан чиқиб кетган Шарофиддин қотиб қотиб қулар экан, эртасигаёқ миллиянинг қўлига тушишини ўйламаётган эди.

Суд фирибгарларга қилмишига яраша жазо белгилади ва жабрланувчиларга етказилган зарарни тўлиқ қоплаш мажбурияти ҳам юклатилди.

**Ж.ИШОНХОДЖАЕВ,**  
Бектемир туман  
прокурорининг ёрдамчиси

## Нафс йўлидаги фирромликлар

Почтани одамлар шодлик ва қувонч улашувчи маҳкама деб ўйлашади. Нега деганда бу ерда меҳнат қиладиган кишилар дилларни бир-бирига қовуштирувчи мактубларни, энг сўнгги янгиликлар чоп этилган газета-журналларни, шунингдек пенсия ва нафақаларни элтиб берувчи шахс ҳисобланади. Бирок, Камолиддин Отабоев бу шарафли касбга доғ туширганлардан бири бўлиб чиқди. У 1962 йили Ҳазорасп туманида туғилиб, вояга етган. 2001 йил март ойидан бошлаб 2005 йилнинг 14 май кунигача Питнак почта алоқаси тармоғи раҳбари вазифасида ишлаб келган.

Мансаб курсисига ўтирибқў ўзим хон — қўланкам майдон деб ўйлаган К.Отабоевнинг нафси ҳақалак ота бошлади. У қўл остида ишловчилар: бош хазина оператори Р.Қўрамбоев, пенсия назорати оператори П.Шомуродов, оператор Г.Бобоҷонов, «Питнак» алоқа бўлими бошлиғи Ҳ.Сафарова, хат ташувчилар А.Бабаев, С.Ержанов, И.Қаримов, С.Саъдуллаев, М.Искандаровалар билан жинойи тил бириктиради. Оқибатда 32.923.238 сўмлик маблағ талон-тарож қилинади. Шунингдек, К.Отабоев ҳамтовоклари билан маслаҳатлашиб, тармокнинг ҳисоб-рақамидидаги маблағларни пенсионерларга нақд пул қилиб бериш ўрнига маҳсулот билан ҳисоб-китоб қилишга киришади. Утган йилнинг январь-апрел ойларида Питнак шаҳридаги «Туямўйин савдо» МЧЖ орқали 10.600.000 сўмлик, «Питнак дарвоза» хусусий корхонаси орқали 3.150.000 сўмлик

маҳсулотнинг нафақахўрларга тарқатилганидан фойдаланиб, 4.716.000 сўмлик маблағни талон-тарож қилади.

Бундан ташқари К.Отабоев ҳаммаслаклари билан биргаликда 2004 йилда 23.332.000 сўмни пенсионерларга тарқатиш ўрнига «Умид савдо», «Лаззат» ва «Саяпир савдо» корхоналарининг ҳисоб-рақамига ўтказиб юборди. Маблагнинг бир қисми учун пенсионерларга маҳсулот берилди. Бирок кўп-ўтмай мазкур корхоналарнинг молиявий аҳволи ёмонлашиб, иқтисодий бўҳронга тушиб қоладилар. Натияжада Питнак почта алоқа тармоғидан «Умид савдо» 3.282.450 сўм, «Лаззат» 950.000 сўм, «Саяпир савдо» 530.000 сўм қарз бўлиб, фуқароларга 7.762.450 сўмлик пенсия ва нафақалар тарқатилмасдан қолади.

Бундай нафс балосига йўлиққанлар Шо-

вот туманида ҳам йўқ эмас экан. Шундайлар сирасига деярли 15 йилдан буён Шовот почта алоқаси тармоғи бошлиғи лавозимида ишлаб келган Болтабой Исмоиловни ҳам киритиш мумкин. У қонун ва низомиларга зид равишда «Нуржон Ботир» алоқа бўлими бошлиғи Баҳром Ражабов ҳамда «Курақлар» алоқа бўлими бошлиғи Шомурод Собиров билан жинойи тил бириктиради. Улар 2004 йилнинг 1 январидан 1 ноябрга қадар «Курақлар» алоқа бўлимига кириб қилинган 211.213.965 сўм, «Нуржон Ботир» алоқа бўлимига кириб қилинган 215.377.710 сўм пулни талон-тарож қилишган. Ҳамтовоклар ўз сафига «Шовот-Турон» МЧЖ раҳбари Шавкат Машариповни ҳам қўшиб олганига ажабланмаса ҳам бўлади. 2003 йилнинг 22 февралдан 2004 йилнинг 19 мартгача 6.446.000 сўм пулни «Шовот-Турон»га топшириб, эва-

зига 4.212.846 сўмлик озиқ-овқат олиб, пенсионерларга тарқатдилар. Қолган 2.234.154 сўм пулни ўзлаштиришади.

Қозончининг эрки бор қайдан қулоқ чиқарса деган мақолни ўзича талқин қилишга одатланган Б.Исмоилов «Курақлар» алоқа боғламаси ходимлари И.Қурбонов ва А.Рўзиметовлар орқали Россияда ишлаб чиқарилган 1034 литр «Золотое» кунгабоқар ёғини олиш учун «Шоҳобод» МЧЖга қарашли «Умумий овқатланиш» шўба корхонасига 1.762.500 сўмини топширади.

Бунинг эвазига олинган ёғ ўз вақтида тарқатилмаганлиги боис, ярексиз ҳолга келиб қолади. Натияжада «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг Хоразм филиали манфаатига кўп миқдорда зарар етказилган.

Жиноят жаозасиз қолмади албатта. К.Отабоев ЖКнинг 209-моддаси 2-қисми «а» бандида, Б.Исмоилов 205-моддаси 2-қисми «в» бандида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбланиб, қора курсига ўтирдилар. Суд уларнинг қилмишига яраша жазо тайинлади. Бу неча минглаб пенсионерларнинг тақдирига масъул почта хизматининг бошқа ходимлари учун ҳам ибрат бўлади, деган умиддамиз.

**Ҳурнат ҚУРБОНОВ,**  
Хоразм вилоят прокуратурасининг катта терговчиси.  
Эрпўлат БАҲТ,  
«Huquq» мухбири





## Марадонанинг айби

Буюк футбол устаси аргентиналик Диего Марадона суд олдида жавоб беришига тўғри келади. Гап шундаки, ўтган жума кuni Марадона Буэнос-Айрес четидаги Матадерос тумани худудида қора жигда кетаётганда тезликни ошириб юборгани ва йўл четидаги телефон будкасига урилади. Собиқ футболчи автохалокатдан ҳеч бир зарар кўрмайди. Машинадан тушиб воқеа жойини тарк этади. Лекин бу воқеага гувоҳ бўлган икки пиёда зарба натижасида сочилиб кетган ойна зарраларидан шикастланади. Айнан ўшалар полицияга хабар берадилар. Марадона мазкур воқеа юзасидан баёнот бериб, унинг ҳеч қандай жип русумидаги қора автомашинаси йўқлигини ва у ҳеч қачон бундай автоуловларни ҳайдамаганини билдиради. Бирок, Буэнос-Айрес суди уни йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини бузганликда айблади.

## Маҳорат кўрсатаман деб

АҚШнинг Калифорния штатидаги Розвилл шаҳрида фожеа рўй берди. Бир моторли самолёт одамлар истиқомат қилувчи уй устига қулаб тушди. Дастлабки маълумотларга кўра, учувчи маҳоратини кўрсатиш мақсадида турли машғулотларни ўтказётган пайтда самолётни бошқаролмай қолган. Самолёт қулаши оқибатида бир неча киши ҳалок бўлган. Фалокат натижасида рўй берган ёнғин қўшни уйларга ҳам ўтган. Бирок, ёнғин тезда бартараф этилган.




## Худуд кимга қарашли?

Франция президенти Жак Ширак Тоғли Қорабоғ можаросини ҳал этишда фаол қатнашяпти. Ўтган ҳафта Парижда Ширак Арманистон президенти Роберт Кочарян ҳамда Озарбайжон раҳбари Илҳом Алиев билан учрашди. Кун тартибидаги асосий масала Тоғли Қорабоғ муаммосини ечиш бўлди. Уч томонлама учрашувдан сўнг музокаралар Париж яқинидаги Рамбуйе қасрида давом этди. Бу ердаги музокараларга Россия

1999 йили Рамбуйеда Косово бўйича тинчлик музокаралари бўлиб ўтганди. Жак Ширак бу сафариги музокаралар ҳам олдингиларига ўшаб самара беришига катта умид билдирди. Рамбуйедаги музокараларда Тоғли Қорабоғдан Арманистон ҳарбийларини олиб чиқиш ва мазкур худуд аҳолиси ўртасида ўз келажагини танлаш борасида референдум ўтказиш масалалари кўриб чиқилмоқда.

Эслатиб ўтамиз, Тоғли Қорабоғ расман Озарбайжон таркибига киради. Бирок, 1988 йилда бу ерда яшовчи арманлар ва озарбайжонлар ўртасида низо келиб чиқиб, тўқнашувлар рўй бера бошлаган. 1992 йилга келиб бу тўқнашувлар икки давлат ўртасидаги катта урушга айланган. Мазкур уруш оқибатида ўттиз беш минг киши ҳалок бўлди, юз минглаб озарбайжонликлар уйларини ташлаб қочибга мажбур бўлишди.

Тоғли Қорабоғ низолашаётган давлатлар учун муҳим стратегик аҳамиятга эга. Чунки уруш кечаётган худуддан бир неча километр нарида Каспий нефтини жаҳон бозорига етказадиган асосий қувур ўтади.



## Ёпиқ эшиклар нима учун?

Украина Бош прокуратураси журналист Георгий Гонгадзеининг ўлимида айбдор бўлган шахсларга нисбатан қўзғатилган айблов ҳулосаларини танқид этди. Маълумотларга кўра, жиноятчиларнинг икки нафари — Николай Протасов ва Валерий Костенко айбига тўлиқ иқдор бўлган, учинчиси — Александр Попович эса тақдим этилган айбга қисман иқдор бўлган, холос. Унинг сўзига кўра, Гонгадзеининг ўлдирилишида у тўғридан-тўғри иштирок этмаган. Жорий йилнинг январ ойида Киев апелляцияси суд ҳайъати мазкур ишга доир барча жараёнлар ёпиқ суд мажлисида кўриб чиқишнинг маълум қилган эди. Бирок, Украинанинг собиқ Бош прокурори Святослав Пискуннинг таъкидлашича, журналистнинг ўлимига доир судга юборилган материалларга «махфий» мақоми берилмаган. Факатгина ушбу жиноятга алоқадор деб таҳмин қилинган генерал Алексей Лукачкин қидирувга бериш ва жиноятнинг бошқа иштирокчиларига доир материалларгина «махфий» мақоми остида, суд жараёни эса очик ўтказилиши лозим.

## Учрашув ва ўзгаришлар



Москвада «катта саккизлик»ка аъзо давлатлар молия вазирларининг йиғилиши якунланди. Унда ташкилотга аъзо саккизта давлат — Россия, Франция, Италия, АҚШ, Канада, Япония, Германия ва Буюкбритания молия вазирларидан ташқари Халқаро валюта фонди ижрочи-директори Родриго де Рато, Жаҳон банки

президенти Пол Вулфовиц, Европа иттифоқига бу йил раислик қилувчи Австрия молия вазир Карл-Хайнц Грассер ҳамда Европа иттифоқининг молиявий масалалар бўйича комиссари Хоакин Алмуниа қатнашдилар. Йиғилиш иштирокчилари жаҳон иқтисодиёти, нефть бозори, халқаро ривожланиш ва энергия таъминоти масалалари ва камбағал давлатларнинг қарзларидан кечиб муаммоларини муҳокама этишди. Шунингдек, йиғилиш олдидан ҳам учрашув ўтказилиб, унда иштирокчилардан ташқари Ҳиндистон ва Бразилия молия вазирлари, Хитой ҳамда ЖАР молия вазирларининг ўринбосарлари қатнашишди. Кун тартибида жаҳон савдо алоқалари ва уларнинг иқтисодиётга таъсири атрофида муҳокама қилинди.



## Янги парламент — янги кураш

Италия президенти Карло Чампи мамлакат парламентини тарқатиб юбориб, янги парламент сайловлари ўтказилишини маълум қилди. Маълумотларга қараганда, сайлов жорий йилнинг 9 апрелида бўлиб ўтади. Қузатувчиларнинг фикрича, сайловда кураш асосан Бош вазир Сильвио Берлускони бошчилик қилаётган ўнг коалиция ва Романо Проди раҳбарлигидаги сўл коалиция партиялари ўртасида кечадди. Италияда ўтказилган сўровларда мамлакат аҳолисининг аксарияти парламент сайловида Романо Проди бошчилигидаги партияни қўллаб-қувватламоқчи эканлигини билдирган. Бирок, сўнсета доир масалаларда фикрлар ўзгартувиликнинг ниобатта оласак, апрелда сайловчиларнинг нуқтан назари ўзгариб кетиши ҳам мумкин.

## Танқисликдан фойдаланиб

Ростов вилоятининг Украина билан чегарадош худудидида Россия чегарачилари томонидан 20 та автоцистерна ушлаб қолинди. Россия федерал хавфсизлик хизмати чегара бошқармасининг Жанубий федерал округ бўйича матбуот хизмати бошлиғи Сергей Ливанцовнинг маълум қилишича, ушлаб қолинган автоцистерналар ичиде 210 тонна ёқилғи бўлган ва улар Украина худудига ноқонуний равишда ўтказилиши мўлжалланган. Маълумки, Украинада ёқилғи анча танқис. Бундан фойдаланиб қолмоқчи бўлганларнинг сони ҳам кам эмас. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов олиб борилмоқда.



## Режали ҳукумат



Грузия мудофаа вазири Ираклий Окруашили 2006 йилнинг охиригача Грузия Жанубий Осетия устидан назоратни тўла қўлига олишини маълум қилди. Журналистлар билан учрашувда Окруашили жумладан шундай деди: «Жорий йилда Грузия олдида иккита муҳим

вазифа турибди. Биринчиси Цхинвали худудини мамлакат таркибига қўшиш бўлса, иккинчиси, йилнинг охиригача Грузиянинг НАТО аъзолигига номзод мақомига эришишидир».

Окруашилининг гапига кўра, Грузия ҳукумати Жанубий Осетияни қўшиб олиш масаласини чуқур ўрганиб чиқаяпти, шунингдек тез орада мамлакат парламентининг Цхинвали худудидан Россия тинчликпарвар кучларини олиб чиқиш тўғрисида қарори чиқиши ҳам мумкин. «Уз навбатида, — дейди мудофаа вазири, — бу ҳолат Москва томонидан бошқача тушунилиши эҳтимолдан холи эмас. Россияликлар ўз фуқароларини ҳимоя қилиш важи билан Жанубий Осетияни тарк этиш талабига рад жавобини бериши мумкин. Бирок, бизнинг фарбадаги ҳамкорларимиз ҳам бу жараёни қузатиб келмоқда. Уларнинг фикрича, Цхинвали муаммоси ёш грузин демократиясининг ривожига тўғанок бўлиши керак эмас».

Россия ташқи ишлар вазирлиги МДХ давлатлари департаменти директори Андрей Келин мазкур муаммо юзасидан фикр билдириб, Россия тинчликпарвар кучларининг бу худуддан олиб чиқишини катта хато деб баҳолади. Агар грузин томони ушбу масалга чуқурроқ ёндашмас экан, Цхинвали худудидидаги вазият анча беқарорлашиши турган гап эканлигини маълум қилди.

«Internet» хабарлари асосида Д.ЭШМУРДОВ тайёрлади.

## Қопдаги «парашютчи»

Исроил хавфсизлик кучлари бедарак йўқолган исроиллик парашютчинини қидириш ишларини тўхтатди. Хабарларга кўра, парашютчининг йўқолганлиги тўғрисидаги



маълумотлар ҳеч қандай асосга эга бўлмаган. Исроил ҳарбий кучлари кўмондонлиги тарқатган ахборотга қараганда, қидирув натижасида ҳеч қанақа парашютчи топилмаган, шунингдек парашютчи йўқолганлиги ҳақида ҳеч бир ариза тушмаган.

«Хабар тарқалган кун кучли шамол бўлган, — дейди Исроил ҳарбийлари вакили, — ўшанда шамол пластик қопни осмонга кўтариб узоқроқ жойга олиб борган. Буни кўрган одамлар қопни парашютчи деб ўйлаган бўлса керак». Бундай ҳолатларга катта эътибор берилиши бежиз эмас. Эслатиб ўтиш жоизки, ўтган йилнинг ноябр ойида исроиллик парашютчи Ливаннинг Исроил билан чегарадош худудига қўнади. Бунинг натижасида томонлар ўртасида қуролли тўқнашув юзага келган.

## Эҳтиёт бўлинг, овчилар!

АҚШ вице-президенти Дик Чейни ноқулай аҳволга тушиб қолди. Яқин дўстлари билан «Армстронг» ранчосига дам олишга чиққан Чейни шеригини отиб қўйди. Овчилар бир тўда қушларни отиш мақсадида ранчо четидидаги яйловга боришади. У ерда вице-президент ёқтирган машғулотига берилиб, ораксиде қушлар товушини эшитиши билан бирдан бўрилиб қуролнинг тепкисини босиб юборади. Буни қарангки, ўк унинг дўсти, ерда типирчилаб ётган қушни кўтармоқчи бўлган 78 ёшли адвокат Харри Уиттингстонга тегади.

Ярадор адвокат тезда маҳаллий шифохонага келтирилган. Айни дамда унинг аҳволи яхши. Яхшиямки, бундай ҳолат оддийгина овда рўй берибди. Катта сийёсатда бундай хатога йўл қўйилса нима бўлади?

## Сўрасам майлими?

Қатра

Эр хотинни урибди. Судланувчи эр сувга тушган мушукдек шумшайиб ўтирибди. Жабрланувчи хотин хўроздек хурпайиб олган.

— Яраштирайликми? — сўрайди судья. — Хотинингиздан кечирим сўрадингизми? Даволангани учун харажатларни тўладингизми?

— Ҳа, қарадим. Ўзи унчалик даволангани ҳам йўқ.

— Тан жароҳати етказибсиз-ку, тиббиёт экспертизасининг хулосаси ҳам бор.

— Ўзи милласага хабар берган. Миласа...

— Урди, ҳа, урди, — жаврайди хотини, — бу ергина ютуғни қамаш керак.

— Кечирганингиз йўқми?

— Кечирсам кечираман... — гапини ичига ютади хотин.

— Ариза ёзиб берганлар, — гапга аралашмади адвокат. Судья эрдан сўрайди:

— Айбингизга икромисиз?

— Икроман.

— Тўлиқми ё қисманми?

— Икроман, икроман, — дейди қўйдаи ювош эр қўлини кўксига қўйиб.

— Бир бошидан гапириб беринг-чи, — дейди судья.

— Свет ўчиб қолди, бу (хотинини кўрсатади) югуриб бориб, келиннинг уйдаги токка суқилган кипитилникни (Кипятильник — сув қайнатич демокчи) олиб, улоқтириб юборди. Нимага ундок қиласан, десам менга тармашиб кетди. Силтаб ташлагандим, қўлим юзига тегиб кетди. Бор гап шу. Шу-шу, сани қаматам ин, ундок қиламан, бундок қиламан.

— Гувоҳ сифатида келин сўралди.

— Қайнонамнинг ўзлари ёмон.

Биласиз, қишлоқчилик, газ йўқ. Ёш болаларим бор. Кир ювай деб сув иситмоқчи бўлдим. Бу киши келиб, бир сатил илиқ сувимни ҳам тепиб, тўкиб ташладилар.

Уғилдан сўралди.

— Э, онамни ўзлари ёмон-е. Ҳар нарсани баҳона қилиб, уриш чиқарганлари чиқарган.

Прокурор фикр билдирди.

— Муҳтарам судья, ҳурматли иштирокчилар! Бизда оила муқаддас ҳисобланади. Унинг шаънини ҳимоя қилишимиз керак. Эр-хотиннинг уриши — доқа рўмолнинг қуриши. Набирали одамлар. Маҳалла-қўй уят қилади.

Эр йиғлаб юборди.

— Юргилигим қолмади.

Чўнтагидан мижғиланиб кетган дастрўмолини олиб, пиқиллаганча бурнини артди.

Прокурор бироз тин олди-ю давом этди:

— Эрининг қилмиши Жиноят кодексининг 105-моддаси 1-қисми билан тўғри малакаланган. Эр бундай жиноятни биринчи марта содир этаяпти, ўз айбига икром, жабрланувчи билан ярашган, етказилган зарарни бартараф этган. Шу боис ушбу кодекснинг 66<sup>1</sup>-моддасига қўра уни жиноий жавобгарликдан озод этиш керак, деган фикрни билдираман.

Эр хурсанд. Хотин паришон.

Судья ярашув тўғрисида ажрим чиқарди. Ногоҳон хотин судьяга мурожаат қилди.

— Ман бир нарсани сўрасам майлими?

— Айтинг.

— Қўйлар энди кимга қолади?

Девуд МАҲДИЙ



Спорт

**Маълумки, 10 феврал кўни Италиянинг Турин шаҳрида XX қишки олимпиада уйинлари шарт олд. Уйинлар дастури ўз ичига 7 спорт тури ва 15 спорт дисциплинасини олади. Туриндаги олимпиадада 2600 нафар спортчи, 650 нафар ҳакам иштирок этади. Суровларга асосан олимпиада беллашувларини бир миллиондан зиёд томошабин кузатиши аниқланди.**

## Улар Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилишади

Туриндаги олимпиада уйинларида икки спорт тури бўйича юртимиз шарафини ҳимоя қилишга тўрт нафар спортчимиз жўнаб кетишди. Фигурали учиш жуфтлиги — Марина Аганина ва Артём Князев (2005 йил Осиё чемпионлари), фигурали якка учиш — Анастасия Гимазетдинова, тоғ чангиси (слалом) — Кайрат Эрметов.

Спортчиларимиз уйинларда ғалаба қозонишса, олимпиада медалларидан ташқари яна ҳукуматимиз томонидан таъсис этилган пул мукофотлари, яъни олтин медал учун 100 минг, кумуш медал учун 50 минг ва учинчи ўрин учун 25 минг АҚШ долларига ҳам сазовор бўлишади.



Кайрат ЭРМЕТОВ

«Турин-2006» қишки олимпиада уйинларининг очилиш ва ёпилиши маросимларида:

- 4000 спортчи, тренер ва расмий шахслар;
- 9000 нафар рўйхатдан ўтган журналист;
- 6100 нафар ёлланма ва 240 профессионал ишчи;
- 6100 костюмлар;
- 500 конки;
- 32000 телевизион камера;
- 4000 квадрат метр махсус безатилган саҳна;
- 150 дан ортиқ юк ташувчи автомобильлар;
- 100 километрдан кўпроқ кабелдан фойдаланилади.



Марина АГАНИНА ва Артём КНЯЗЕВ

## Кизиқарли факт

Аксарият одамлар олтимиш ёшга бориб таъм билиш сезгиларининг 50 фоизини йўқотар экан.



## ТАБАССУМ

Индан қайтган миллионердан рафисади сўрапти:

- Овқатланасизми?
- Нима овқат?
- Француз кўзиқоринларидан шўрва, димланган кийик гўшти ва десерт...
- Шундангиз қайнатилган картошка билан тузланган карам егим келаяптики...
- Эркакга ўхшаб яхшироқ тошиб келганингизда, қайнатилган картошка ҳам бўларди...

Тўғри соат уч. Ногоҳон телефон кўнжироғи чалинади:

— Салом нотаниш дўстим, сенинг ҳам уйкунг келмаяптими? \*

Гиеҳвад писта чақиб кетаётганида бир дона писта ерга тўшиб кетди. Гиеҳвад пистага қараб:

- Тур ўрингилди!
- Писта кимирламади.
- Тур ўрингилди... тур дедим!
- Гиеҳвад хуноби ошиб чўнтагидан қолган писталарини ерга сочиб юборди-да деди:
- Тургазинлар уш!

## Газетхон илҳоми

**Қишлоқ йиғитининг хаёли**

Бўйдоққа қандай қиз ёқади, дўстлар,  
Шу савол мағзини хўп ўйлаб қолдим.  
Телевизорга қараб сериаллардан  
Бир нечтасин саралаб, мен танлаб олдим.

Вақти келди, шолани қаламиз ўтоқ,  
Ёр бўлмаса бир ўзим сарсонман, ўртоқ.  
Аммо корейлик Тангем хўп асал,  
Шу қизнинг ишқиди ҳамон мен касал.  
Рози эдим бошда бини, қўлимда таёқ,  
Ортидан дарбадар кезсам ҳам саёқ.

Бир дўзал кўринди кўзимга шу чоғ,  
Қўзида сурма-ю, юзида уна.  
Қоматга гап йўғ-у, оёғи чаток,  
Исми ҳам бир қийин — Гавадлуна.

Эҳ, бизга соғлом қиз керакдир, ўртоқ,  
Эртага бугудайга соламиз ўроқ.

Сўнг яна термулдим телевизорга,  
Бир жонон нозибди, менга кўп сузар.  
Малласоч, қийгоқош Эсмерлада,  
Лекин бечоранинг кўзи касал-да.

Аммо бундан унинг кўнгли тўлмайди,  
Сароин бор дўзалга қишлоқ бўлмайди.

Сериал дўзаллари ҳақда сурсам қалам,  
Кўнглимни эздиб қайғу ва алам.  
Бор-йўғи биттадир бечора маъшук,  
Ортидан сарсардон тўрт ё беш ошди.

Ундашун сулувни эҳ нима қўлдим,  
Қишлоғим қизларин хўп афзал бидим.

Карижон ЭРГАШЕВ,  
Наманган вилояти, Поп тумани

Ҳарфларини тўғри кетма-кетликда улаб, яширилган сўзни аниқланг. (Намунага қаранг).

Апелляция

БЕИ  
ФРС  
АО

КЕЛ  
ТКЛ  
ИВ

СТР  
КАИ  
ЭДЦ  
ЯИ

ЛОЛ  
ИК  
СТИ

АК  
МАИ  
ЕМТ

ГРУ  
КСМБ  
Р

ЕСА  
МИН

МДНИ  
ЕИЦ

Ўтган сондаги ребус жавоблари: университет, дипломат, фундаметал, китаноя, амстердам, ҳаммураи, материал, юстиниан, трибунал

## Афоризм

Ухлаётган кишини барча нарсаларга юмук кўз билан қарашда айбала бўлмайди.

**HUQUQ**  
yuridik gazeta

**Ta'asischi:**  
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

**Bosh muharrir:**  
Abduxolliq ABDURAZZOQOV

**Tahrir hay'ati:**  
Bahriddin VALIYEV, Pirimqul QODIROV, Jahongir SHAROFBOYEV (Bosh muharrir o'rinbosari vazifasini bajaruvchi), Fozil MAMASHARIPOV (mas'ul kotib vazifasini bajaruvchi), Lola SHOMURODOVA

**Tahririyat manzili:**  
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

**Telefon:** 133-98-40, 133-26-62.  
**E-mail:** Info@huquq.uz.  
**Faks:** 133-64-85, 133-10-53.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 023-raqam bilan to'xtatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egaloriga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrini tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ» dan olinganligi ko'rsatish shart. Tjorat ahamiyatiga molik materiallar belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma Г — 456.  
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahitlandi. «HUQUQ» original maketi.

**Navbatchi muharrir:** T.SAIBBOYEV  
**Musohihchi:** A.MUSTAFOYEVA

Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxonamanzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

**Gazeta haftaning chorsanba kunlari chiqadi.**

**Sotuvda erkin narxda**

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 17.30. 2345678